

﴿Эҳром таъқиқлари﴾

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

Аллома Муҳаммад ибн Солиҳ Усаймин

Таржимон: *Абу Жаъфар ал-Бухорий*

Нашрга тайёрловчи: *Абу Абдуллоҳ Шоший*

2013 - 1434

IslamHouse.com

﴿أحكام محظورات الإحرام﴾

« باللغة الأوزبكية »

الشيخ محمد بن صالح العثيمين

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشراشي

2013 - 1434

IslamHouse.com

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Биринчи хутба

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳ

Оллоҳга ҳамдлар бўлсин. Биз Оллоҳга ҳамду санолар, тавба ва истиғфорлар айтиб, Ундан мадад, нафсимизнинг шумлиги ва ёмон амалларимиздан паноҳ сўраймиз. Оллоҳ ҳидоятлаган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани тўғри йўлга солгувчи йўқдир. Мен «Ягона ва шериксиз Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад эса Унинг бандаси ва элчиси» эканига гувоҳлик бераман. Оллоҳ таоло Унга, Унинг оиласи, асҳоблари ва уларга яхшилик билан издош бўлганларга салавоту саломлар йўлласин.

Сўнг ...

Ҳой одамлар, Оллоҳ таолодан тақво қилинглари ва унутмангларики, Оллоҳ таоло Ўз ҳикмати ва раҳмати билан сизларга (ибодатларни) фарз қилдики, уларни зое қилманглари! Чегараларни

қўйдики, улардан ўтиб кетманглар! У сизларга қонун ва чегараларини улуғлашни фарз қилди:

«(Иш) шудир. Ким Оллоҳ қонунларини ҳурмат қилса, бас, албатта (бу ҳурмат) дилларнинг тақводорлиги сабабли бўлур» (Ҳаж: 32);

«(Иш) шудир. Ким Оллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳурмат (риоя) қилса, бас бу Парвардигори наздида ўзи учун яхшидир». (Ҳаж: 30).

Огоҳ бўлингларки, ҳаж ва умра – Оллоҳ таолонинг маросимларидан биридир:

«Албатта Сафо ва Марва Оллоҳ (буюрган) маросимлардандир». (Бақара: 158).

Шундай экан, бу маросимларни улуғлангиз! Чунки улар буюк ибодат ва Оллоҳ йўлида жиҳод қилишнинг бир туридир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда:

«Хотин-қизлар учун жанги бўлмаган жиҳод бордир: ҳаж ва умра», – деганлар. (Имом Аҳмад, 25836 (25322); Ибн Можа, 2901. Аллома Албоний бу ҳадисни саҳиҳ деган).

Сизлар бу маросимларни Оллоҳ таоло сизларга фарз қилган ибодатларни қилиш ва ҳаром қилган нарсаларидан йироқ туриш билан адо этингиз:

«Бас, ким шу ойларда ўзига ҳажни фарз қилса (ҳаж қилишни ният қилса), ҳаж давомида (жуфтига) яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди. Қандай яхши амал қилсангиз, албатта Оллоҳ билади. Ва (ҳаж қилиш учун йўлга тушишдан аввал зарур озуқа билан) таъминланиб олинг! Энг яхши озуқа (яъни ўзингиз билан бирга бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса) Оллоҳдан қўрқингиз. Мендан қўрқингиз, эй аҳли донишлар!» (Бақара: 197).

Сизлар бу маросимларни Оллоҳга бўлган ихлос ва пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўрнак олиш билан улуғланглар!

Оллоҳ таоло сизларга фарз қилган таҳоратни олингиз, намозларни жамоат билан ўқингиз, мусулмонларга самимий бўлингиз, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарингиз. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Алий ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳуга:

«Оллоҳ таолонинг сиз туфайли бир одамни ҳидоятлаб қўйиши, сиз учун қизил юнгли туянгиз бўлишидан кўра яхшироқдир!» – деганлар. (Имом Бухорий, 2724; Имом Муслим, 4423).

Оллоҳ таоло сизларга ҳаром қилган фосиқликнинг барча туридан, ёлғон гапиришдан, ҳиёнатдан, қаллобликдан, ғийбатдан, чақимчиликдан, мусулмонларни масхара қилиб устларидан кулишдан, ҳаром бўлган қўшиқ ва куйларни тинглашдан, сигарет чекишдан йироқ турунглари! Чунки сигарет чекиш, тана ва бойликка зарар бергани боис ҳаромдир. Сизлар эҳромни боғлагандан кейин ҳам, бошқа пайтларда ҳам бу ҳаромлардан сақланинглари!

Сизлар Оллоҳ таоло эҳром боғлаганингиздан сўнгра ҳаром қилган ва илм аҳллари «эҳром таъқиқлари» деб аташган нарсалардан эҳтиёт бўлинглари!

Жинсий алоқа қилишдан, жинсий алоқага олиб борадиган кучоқлаш, ушлаш ҳамда лаззат ва шаҳватли нигоҳ ташлашдан эҳтиёт бўлинглари! Чунки жимомъ эҳром таъқиқларининг энг қаттиғи

ва энг таъсирлисидир. Чунки эҳромдан илк чиқмай туриб қилинган жинсий алоқа, ҳажни бекор қилади ва натижада у ҳажни тугатиб, келгуси йилда қазосини қилиб бериш ёхуд битта туя сўйиб, гўштини Макка ёки Минодаги мискинларга садақа ўлароқ тарқатиб бериш керак бўлади.

(Эҳромни боғлагач) сочларингизни олмангиз!
Чунки Оллоҳ таоло:

«ва ҳадянгиз ўз жойига етиб бормагунча бошларингизни (сочларингизни) қирманг!» – деган (Бақара: 196).

Уламолар жумҳури танада ўсиб чиққан бошқа тукларни ҳам, тирноқларни ҳам сочга қиёсладилар ва: «Эҳром боғлаган одамнинг тук ва тирноқларини олиши жоиз эмас. Фақатгина, тирноқлари синиб оғриқ берса, ўша синган тирноқни олиши мумкин», – дедилар. Сочини узрли ёки узрсиз олган одам, Оллоҳ таолонинг қуйидаги оятига кўра фидя-жарима тўлайди:

«... у ҳолда (уч кун) рўза тутиш ёки (олти мискинга) садақа бериш ёхуд (бир қўй) сўйиш билан эваз тўласин!» (Бақара: 196).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мазкур жаримани:

«Уч кун рўза тутиш ёки олтмиш мискиннинг ҳар бирини ярим соъ (озик) билан тўйдириш ёки бўғизланган қўй ва унинг гўштини бечораларга садақа қилиш», эканини баён қилдилар. (Имом Муслим 2085. Бу таъқиқни бузган одам шу учта жаримадан бирини танлаши мумкин. Фақатгина, рўза уч кун тутилади).

Бечораларни тўйдириш ва қўйни бўғизлаш Макка ёки шу таъқиқни бузилган жойда амалга оширилади.

Овларни, улар каптар каби қушлар ёхуд кийик ва қуён каби ҳайвонлар бўлсин, ўлдиришдан эҳтиёт бўлингиз! Чунки Оллоҳ таоло шундай деган:

«Эй мўминлар, эҳромлик пайтингизда овларни ўлдирмангиз!» (Бақара: 95).

Овни қасддан ўлдирган одам жарима тўлаши шарт. Жарима эса, ё унга (овга) тенг келадиган туя ёки мол ёхуд қўй бўлиб, уни Макка ёки Минода бечораларга садақа қилиш, ёхуд овнинг қийматини пул ўлароқ чиқариб, Макка ёки Минодаги бечораларга чорак соъ буғдой ва бошқа дон маҳсулотларидан ярим соъдан улашиш ёда бечораларни тўйдириш бадалига бир бечора учун бир кун рўза тутишдир.

Дарахтларни кесишга келсак, унинг эҳромга алоқаси йўқ. Эҳромдаги ва эҳромда бўлмаган одамнинг Ҳарам доирасидан ташқарида, масалан: Арафотда, дарахтларни кесиши мумкин. Бироқ, Ҳарам доираси ичида, масалан: Муздалифа, Мино ва Маккада дарахтларни кесиш таъқиқланади. Агар одам Ҳарам ичида бирон дарахтни ўтқазган бўлса, ўша дарахтини ўзи кесиши мумкин. Бундан ташқари, момдомики пайҳон қилиш нийяти йўқ экан, гарчи ўт-ўланлари бўлсада ерга палосларни ёзиш, жоиздир.

Ҳой мусулмонлар, эҳромлик пайтда уйланиш ёки совчи қўйишдан йироқ турунгиз! Чунки Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:

«Эҳромлик одам уйланмайди, (бошқаларни) уйлантирмайди ва совчи қўймайди» – деганлар. (Имом Муслим, 2522).

Демак, эҳромлик эркак ёки хотин-қиз турмуш қура олмайди, бошқаларни ҳам уйлантира олмайди ва бирон хотинга совчи қўя олмайди.

Ёғ ёки тутатқи бўлишидан қатъий назар, барча хушбўйлардан узоқ турунгиз! Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Заъфарон ва сариқ бута (варс) теккан кийимни киймангиз», – деганлар (Имом Бухорий, 1707; Имом Муслим, 2012) (Заъфарон ва варснинг ўзига хос юқумли ҳиди бор. Шунинг учун заъфарон ва варс сурилган ёстиққа бош қўйиш ҳам, эҳромлик одам учун таъқиқланган. Варс – сариқ бутадири. Мутаржим изоҳи).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Арафотда эҳромлик пайтида вафот этган одам ҳақида:

«Уни сув ва нилуфар билан ювинглар, бошини ўраманглар ва хушбўй сурманглар. Чунки у, Қиёмат

кунда талбия айтиб қайта тирилтирилади», – дедилар. (Имом Бухорий, 1186; Имом Муслим, 2092).

«Хушбўй»дан мақсад кафанлангач маййитнинг баданига қўйиладиган атирдир. Шунинг учун ҳам, эҳромлик одам хушбўй ёғларни сурмаслиги, тутатқи исини олмаслиги, хушбўй нарсаларни овқати ва ичадиган ичимликларга қориштирмаслиги, атир совунлар билан ювинмаслиги шарт. Агар баданида кир бўлса (атир совунсиз) ювиниши мумкин. Эҳромга кираётган пайтда хушбўй суриш суннат бўлиб, ҳидининг эҳром боғлагандан кейин ҳам қолишининг зарари йўқ. Бу ҳақда Оиша разияллоҳу анҳо шундай дейди:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни эҳром боғлашларидан илгари эҳромни учун хушбўйлаб қўяр эдим». (Имом Бухорий, 1429; Имом Муслим, 2042);

«Эҳромлик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёрмасидаги мушкнинг порлаётгани ҳануз кўз ўнгимдадир». (Имом Бухорий, 1438; Имом Муслим, 2050).

Одатдагидек бошга салла, дўппи ва бирон дурра ташлаб олишдан сақланинг. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этган эҳромдаги одам ҳақида: *«Унинг бошини ўраманглар!»* – дедилар. (Имом Бухорий 1186; Имом Муслим 2092).

Аммо одатда бош кийими ҳисобланмаган ва эҳромдаги одам бошига қўйиб олган соябоннинг ҳамда бошига тегиб турган шамсиянинг зарари йўқдир. Чунки таъқиқланган нарса бошни (боғлаб) ўраб турган нарса бўлиб, соя солган нарсалар эмасдир.

Умму Ҳусойн разияллоҳу анҳо айтди: *«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Видолашув ҳажида иштирок этдим ва Усома ва Билолларни: бирининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туясининг тизгинидан ушлагани, иккинчисининг эса кийиминин кўтариб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни иссиқдан ҳимоя қилиб тўсгани ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жамарот тошларини отганларини кўрдим».* (Имом Муслим, 2288).

Бошни ўраш эркакларгагина хос бўлиб, хотин-қизларларнинг бошларини ўрашлари ва юзларини очиқ тутишлари машруъдир. Бироқ, маҳрамларидан бошқа бирон эркакни кўрсалар, юзларини ёпишлари лозим. Хотин-қизларнинг юзларига ниқоб ва қўлқоп кийишлари жоиз эмас.

Эҳромлик кишининг қандай кийимлар кийиши кераклиги ҳақида берилган саволда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таъқиқлаган кийимларни киймангиз:

«Эҳромлик киши кўйлак, салла, тўн, иштон ва маҳси киймайди». (Имом Бухорий, 1711; Имом Муслим, 2013);

«Чормуқ топа олмаган одам маҳси кийсин, лунги топа олмаган одам иштон кийсин!» (Имом Бухорий, 1712; Имом Муслим, 2015).

Мазкур кийимларни кийишнинг ҳаромлиги эркакларгагина хосдир.

Шунинг учун ҳам эркакларнинг эҳром боғлагач майка, футболка, шим ва салла ва салла маъносидаги дўппи ва дурра каби мана бу

кийимларимизга ўхшаш кийимларни кийишлари жоиз эмас. Эркаклар бурнусни, яъни, бошга қадар ўраб турадиган ридони ва унинг тарзидаги тўнларни ҳамда иштон тарзидаги кийимларни кийишлари ҳам мумкин эмас. Иштонларнинг тиззадан пастга ва тўпиқлардан юқори туришининг фарқи йўқ. Маҳси ва унинг маъносидаги пайпоқни ҳам кийилмайди. Бироқ, кўл соати, кўзойнак, қулоққа тақиладиган жиҳоз, узук, камар тақиши ва эҳромнинг уст қисми – ридонинг бир учини иккинчиси ичига киритиб олиш жоиздир. Бироқ, эҳтиёж бўлмаса унинг учларини киритмаслик авлодир. Уларни бир-бирига узун қистиргич билан боғлаб олиш жоиз эмас. Чунки ундай қилинса эҳром тикилган кийимга ўхшаб қолади.

Хотин-қизлар эҳромдан илгари ўзи учун мубоҳ бўлган ҳар қандай кийимни пардозсиз кийиши мумкин. Чунки хотин-қизларнинг эҳром учун махсус кийими йўқ. Эркак ва аёлларнинг эҳромларини кирлангани ёки нажосат теккани ёхуд бошқа бирон нарсалар сабабли бошқасига алиштиришлари жоиздир.

Ҳой мусулмонлар, булар эҳром таъқиқлари бўлиб, уларни бирон киши билмай ёки унутиб ёхуд эсдан чиқариб ёда ўз ихтиёридан ташқари мажбурланган ҳолатида қилиб қўйса, унга на гуноҳ ва на фидя-жарима бўлади. Чунки Оллоҳ таоло шундай деган:

«Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама!» (Бақара: 286);

«Қилган хатоларингиз сабабли сизлар учун гуноҳ йўқдир, лекин кўнгилларингиз (билан) қасд қилган нарсадагина (гуноҳкор бўлурсизлар). Оллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир». (Аҳзоб: 5).

Оллоҳим, Сендан бизга мағфиратинг ва раҳматингни ёппа ёғдиришингни сўраймиз! Оллоҳим, гуноҳларимиз ва ишлардаги исрофларимизни кечир! Пойларимизни устивор қил! Кофир халқлар устидан бизга зафар ато эт! Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликлар бер ва жаҳаннам азобидан қутқар!

Оллоҳнинг бандалари,

«Албатта, Оллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга яхшилик қилишга буюрур ҳамда бузуқлик, ёмон ишлар ва зўравонликлардан қайтарур. У зот шояд ибрат-эслатма оларсизлар, деб сизларга панд-насиҳат қилур. Аҳд-паймон берган вақтларингизда, Оллоҳга берган аҳдингизга вафо қилингиз! Оллоҳни кафил қилиб ичган қасамларингизни (Оллоҳ номини зикр этиш билан) мустаҳкам қилганингиздан кейин бузмангиз! Албатта, Оллоҳ қилаётган ишларингизни билур». (Наҳл: 90, 91).

Буюк ва Улуғ Оллоҳни ёд қилингларики, У ҳам сизларни ёд қилсин. Унинг неъматларига шукр қилингларики, сизларга неъматларини мўл қилсин. Дарҳақиқат, Оллоҳнинг зикри буюкдир ва Оллоҳ қилаётган ишларингизни билиб туради.

Иккинчи хутба

Оллоҳга буюрганидек кўпдан-кўп ҳамду санолар бўлсин. Мен Оллоҳга шукр қиламан. Чунки Оллоҳ, шукр қилганларга неъматларини мўл қилишни ваъда қилди. Мен мушрик ва кофирлар ёқтирмасаларда, ягона ва шериксиз Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ҳамда Муҳаммад Унинг бандаси, элчиси ва маҳшарда шафоат берилган ва шафоат қилувчи башар саййиди эканига гувоҳлик бераман. Оллоҳ таоло Унга, Унинг оиласи ва чин дўст бўлган асҳобларига, кунлар чиқиб кечалар давом этгунича салавоту саломлар ёғдирсин.

Сўнг ...

Мўмин биродарлар, биз шу кунларда уч муносабат айёмларидамиз: биринчиси: ҳаж муносабати. Унинг аҳкомлари ҳақида Оллоҳ хоҳлаганича юқорида гапириб ўтдик. Иккинчиси: қурбонлик қилинадиган ҳайвонлар ҳақида. Учинчиси эса, хурмоларни сотиш айёми.

Қурбонлик сўйиш – суннат муаккада бўлиб, уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам

қилганлар ва қурбонлик сўйиш Оллоҳнинг маросимларидан биридир.

Уламолар ўртасида қодир бўлган одамнинг қурбонлик сўйишининг вожиблиги ҳақида фарқли кўришлар бор. Кўплаб илм аҳллари жумладан Имом Аъзам Абу Ҳанифа ва асҳоблари раҳимаҳумуллоҳлар қурбонлик сўйишнинг қодир бўлган одамга вожиб экани, қодир бўла туриб сўймаган одамнинг осий эканининг қарорига бордилар. Шайхулислом Аҳмад ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ ҳам шу фикрни олган.

Шунга кўра кучи етадиган одам ўзи ва оиласи номидан қурбонлик бўғизласин. Унутмангларки, қурбонликни тириклар номидан қилиш машруъдир. Чунки, шугина Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлгандир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари, ва оиласи номидан қурбонлик қилган, вафот этиб кетган қариндошлари ёки оиласи номидан қурбонлик қилмаганлар. Ҳолбуки, амакиси Ҳамза ибн Абдулмутталиб разияллоҳу анҳу Ухуд жангида шаҳид бўлган, рафиқалари Ҳадича разияллоҳу анҳу, учта қизлари Руқийя, Умму

Кулсум ва Зайнаб, ўғиллари раҳимаҳумуллоҳлар гўдаклик чоғларида вафот этган ва уларнинг номларидан қурбонлик сўймаган эдилар. Мен на Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва на асҳобларидан биронтасининг вафот этган одам номидан алоҳида қурбонлик қилганларини (китобларда) кўрмадим. Шунинг учун ҳам биз ўзимиз ва оила аъзоларимиз номидан битта қурбонлик сўйишимиз машруъдир. Бунинг ўзи уларнинг тириклари ва оламдан ўтганларини ўз ичига олади. Зеро Оллоҳнинг марҳамати кенгдир.

Шуни яхши билингларки, маййитнинг йилида маййит учун бўғизлашаётган ва баъзилар: «қабр қурбонлиги», бошқалар эса: «дафн қурбонлиги» деб аташаётган қурбонликларни фарз ва унга бирон кишини шерик қилиш мумкин эмас деб эътиқод қилиш бидъат бўлиб, шариатда асоси йўқдир. Бироқ, вафот этган кишилар васият қилишган бўлса, васият қилганидан на ортиқча ва на кам қилмай қурбонлик қилиш лозим.

Эй одамлар, мен: «Қурбонлик фақатгина тириклар номидан қилинади», – дейишим билан: «Маййитлар номидан қурбонлик қилиш ҳаром»

демоқчи эмасман. Фақатгина: «Бундай қилиш машруъ эмас. Машруъ бўлгани тириклар номидан қурбонлик қилишдир», – демоқчиман. Мен ўлик номидан алоҳида қурбонлик қилган кишини гуноҳкорга чиқармоқчи эмасман. Фақатгина, «Имомимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдек ўзингиз ва оилангиз номидан битта қурбонлик қилишингиз афзал. Шунинг ўзи тирикларни ҳам, оламдан ўтганларни ҳам ўз ичига олади» демоқчиман, холос.

Ҳой мусулмонлар, ҳажга бора олмай ўз юртларида қолган мусулмонларга бўлган Оллоҳнинг неъматини, раҳмати ва ҳикматларидан бири, уларга ҳожиларнинг ишларига менгзаган ишни машруълаштиришидир. Оллоҳ таоло уларга ҳожиларга ҳадя билан Оллоҳга яқин бўлишни машруъ қилганидек, қурбонлик билан Оллоҳга яқин бўлишни машруъ қилди.

Оллоҳ таоло ҳажга бора олмаган ва қурбонлик қилмоқчи бўлган одамнинг тирноқлари, сочлари ва танасидан бирон нарсани олмасликни машруълаштирди. Умму Салама разияллоҳу анҳо ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи ва саллам зулҳижжа ойининг биринчи даҳаси киргач ўз номидан қурбонлик қилмоқчи бўлган одамнинг сочи, туклари ва тирноқларни олмаслиги кераклигини айтганлар. Бундай қилиш, таъқиқланган. Шунинг учун ҳам зулҳижжа ойининг биринчи даҳаси киришидан илгари соч ва тирноқларни олиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таъқиқлаган нарсани қилиб қўйишнинг олдини олингиз!

Унутмангларки, бу таъқиқ ўз номидан қурбонлик қилаётган одамгагина тааллуқлидир. Агар банда ўзининг ва оиласининг номидан қурбонлик қилаётган бўлса, унинг ўзигина сочлари, тирноқлари ва тукларини олмайди. Унинг оиласига эса бу ҳукмларнинг алоқаси йўқ ва улардан бу таъқиқларга риоя қилишлари талаб қилинмайди. Шунинг учун ҳам улар сочлари, тирноқлари ва ва тукларини олишлари мумкин. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Даҳа кирса ва бирингиз қурбонлик қилмоқчи бўлса»*, – дедилар. (Имом Муслим, 3635; Имом Аҳмад, 25269).

«Бирингиз қурбонлик қилса ёки унинг номидан қурбонлик қилинса», – демадилар. Чунки

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари ва оила аъзоларининг номидан қурбонлик бўғизладилар. Шу боис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оила аъзоларини таналаридан мазкур нарсаларни олишни таъқиқлаганлари нақл қилинмаган. Бу, мазкур ҳукмнинг қурбонлик қилаётган одамнинг ўзигагина хос экани, оила аъзоларининг бу ҳукмдан мустасно эканини кўрсатмоқда.

Ҳой мусулмонлар, учинчи муносабат хурмо меваларини сотишдир. Хурмо – Оллоҳнинг бизга берган неъматларидан бири эканида ҳеч шубҳа йўқдир. Оллоҳ уни яратди, ундирди ва пиширди. Мен Қудратли, Доно ва Ҳаким илоҳ бўлган Оллоҳни мушриклар сифатлаётган нолайиқ сифатлардан поклайман! Хурмога бундай ажойиб рангни ато этган Оллоҳни поклайман! Аввалги яшил рангини қизил ва сариқ рангларга айлантирди! Эй оламлар Робби, мутлақ қудрат Сенингдир! Яратилган барча махлуқот битта данакни яратмоқчи ва унга шундай рангни бермоқчи бўлсалар, бунга кучлари етмайди!! Бироқ нарсаларга «Бўл!» – деса бўладиган Зот

данакни ўз ҳикмати билан Яратди, ундирди ва унга ранг берди!

Ҳой мусулмонлар, биз бу неъмат учун Оллоҳ таолога шукроналар айтишимиз, Оллоҳнинг уни сотиш ҳақида жорий қилган қонунларига риоя этишимиз лозим. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «*меваларни қизариб (бўзариб) ёки сарғайиб салоҳияти кўринмагунича сотишни таъқиқладилар*». (Имом Бухорий, 2047). Шунинг учун хурмо дарахтини меваси қизариб, сарғаймагунича сотиш таъқиқланади. Бироқ, ўз навидан бўлган бошқа хурмоларга қисман қўшиб ёки бутунисига қўшиб сотишнинг зарари йўқ.

Ҳой мусулмонлар, шаҳримизда меваларни бир гуруҳ шерик одамларга сотилади ва улар нархларни кўтариш учун ҳийла савдоси қиладилар. Ҳийла савдоси – биров нархлар кўтарилиши учун харидор бўлган (ва ўзининг олиш нийяти бўлмаган) савдодир. Бундай қилиш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таъқиқлаганлари учун, ҳаромдир. Унутмангларки, бундан келган ҳар қандай даромад ҳаромдир. Агар ундан сарф қилсангиз баракаси бўлмайди. Садақа

қилсангиз қабул қилинмайди. Мерос қилиб қолдирсангиз сизнинг жаҳаннамга заҳирангиз бўлади. Бас, Оллоҳдан қўрқинг, эй Оллоҳнинг бандалари! Олиш нийяти бўлмай моллар нархини кўтармангиз! Сотувчининг даромади, харидорнинг зиёни учун нархларни кўтармангиз! Чунки бу – тажовузкорликнинг бир кўринишидир. Агар нархларни сотувчининг фойдаси учун кўтарсангиз, Оллоҳга қасамки, унга гуноҳ ва тажовузкорликдан бошқа бирон даромад келтирмайсиз. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Биродарингга золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам ёрдам эт!»* – деганларида саҳобалар: *Ё Расулulloҳ, мазлумга ёрдам бериш сабабини биламиз. Золимга қандай ёрдам берилади?, – деб сўрадилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уни зулм қилишдан тўсасан. Шу унга ёрдамингдир»,* – деб жавоб бердилар (Имом Бухорий 6438, 2264; Имом Аҳмад 12606; Термизий 2181. Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривояти). Шундай экан, золимга ҳаққи бўлмаган ва ботил нарсани бериш қандай бўлиши мумкин?!

Ҳой мусулмонлар, Оллоҳга қасамки, сизлар вафот этасизлар, сўнгра, қайта тириласизлар ва

қилган амалларингизга кўра тақдирланасизлар!
Оллоҳга қасамки, сизлар Оллоҳ таоло сизларга
нозил қилиб, етказган барча ҳукмлардан
сўроқланасизлар! Оллоҳнинг шариатини ўрганган
одамга шу билими ё фойдали ёки зарарли ҳужжат
бўлади ва ундан Қиёмат куни сўроққа тугилади.

Оллоҳнинг бандалари, Оллоҳдан кўрқинглар!
Оллоҳдан кўрқинглар! Сизларни залолатга юз
тутиш, ёмонликка жалб этувчи нафс ва
қурумсоқлик асир қилмасин! Чунки қурумсоқлик
сизлардан илгари яшаб ўтган халқларни
ҳалокатга улоқтирди. Озгина ҳалол ва мубоҳ
бойлик, кўпгина ҳаром бойликдан кўра
яхшироқдир.

Оллоҳим, эй оламлар Робби! Биз Сендан
фойдали билим ва бандаларингга муҳтож
қилмайдиган ва ибодатларингга кўмакчи
бўладиган ҳалол ва мўл ризқ тилаймиз. Оллоҳим,
биз Сендан ҳидоят, тақво, покдомонлик ва
(қулларингдан) беҳожатликни сўраймиз. Оллоҳим,
эй оламлар Робби! Бизни ўзимизга ва бошқаларга
фойда бермайдиган бойликдан йироқ қил ва
ўзимизга фойда берадиган ва ибодатларингга

ёрдамчи бўлган бойликка рағбатли қил!
Роббимиз, жонимизга жабр қилдик. Агар Сен
бизни мағфират қилиб, кечирмасанг,
зиёнкорлардан бўламиз!

(Оллоҳнинг қуллари), Оллоҳ таоло сизларни
тавба ва солиҳ амалларни қилишга чорлаб шундай
деган:

**«Эй мўминлар, Оллоҳга холис тавба қилинглар,
шоядки Парвардигорингиз сизларнинг ёмонлик-
гуноҳларингизни ўчириб, остидан дарёлар оқиб
турадиган жаннатларга киритур. У Кунда Оллоҳ
пайғамбарни ва у билан бирга иймон келтирган
зотларни шарманда қилмас. Уларнинг нурлари
олдиларида ва ўнг томонларида юрур. Улар:
«Парвардигоро, Ўзинг бизларга нуримизни комил
қилиб бергин ва бизларни мағфират қилгин. Албатта
Сен барча нарсага қодирдирсан», дерлар».** (Таҳрим:
8).

Оллоҳим, биздан (дуо ва ибодатларимизни)
мустажоб айла! Дарҳақиқат, Сен эшитгувчи ва
билгувчи Зотсан. Тавбаларимизни қабул айла!
Дарҳақиқат, Сен тавбаларни қабул қилгувчи ва

меҳрибон Зотсан. Бизларни мағфират қил!
Дарҳақиқат, Сен мағфират қилгувчи ва меҳрибон
Зотсан.

Оллоҳим, банданг ва расулинг бўлган
Муҳаммад ибн Абдуллоҳга, Унинг оиласи ва барча
асҳобларига салавоту саломлар йўлла!